

## А Ж Р И М

2025 йил январь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, ўз биносида ёпиқ суд мажлисида, туман судининг раиси С.Т.Махаметовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, А.Исламовнинг қонуний вакили И.Исраилов, ҳимоячи адвокат А.Буксинбаев, жабрланувчи Р.Сиддиқбековларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддасининг 1-қисми ва 169-моддасининг 1-қисми билан Исломов Аъзам Исмоил ўғлига оид 1-1012-2501/41-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Исломов Аъзам Исмоил ўғли (ISLOMOV A'ZAM ISMOIL O'G'LI)** 2000 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, “Софдил” М.Ф.Й, Олчазор кўчаси, 35/1-уйда яшайди.

Суд, қонуний вакили ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Суриштирув органи ҳужжатларига кўра, А.Исломов ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш ва шу йўл билан мулкий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2024 йилнинг 14 сентябрь куни, соат 11:00ларда Янгиҳаёт тумани, Янги Турмуш М.Ф.Й, Мехригиё кўчасида жойлашган ЯТТ “Ахматов Суннатилло Эркин ўғли”га тегишли бўлган “Orzu Mobile” номли 7-савдо дўконига яширин равишда кириб, сотиладиган телефонлар растасидан Р.Сиддиқбековга тегишли бўлган, қиймати 2.100.000 сўмлик “RedMi not-13” русумли телефон аппаратини яширин равишда қўлга киритиб, ҳодиса содир бўлган жойдан номаълум томонга яширинган.

Бундан ташқари, А.Исломов, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йил 15 сентябрь куни 17:49ларда, Янгиҳаёт тумани, Янги Турмуш МФЙ, Мехригиё кўчасида жойлашган ЯТТ “Ахматов Суннатилло Эркин ўғли”га тегишли бўлган “Орзу мобиле” номли 7-савдо дўконига кириб, сотиладиган телефонлар растасидан Р.Сиддиқбековга тегишли бўлган, бир дона қиймати 1.850.000 сўмлик “RedMi not 11pro” ва бир дона қиймати 850.000 сўмлик “RedMi 9a” русумли телефон аппаратини қўлга киритиб, сотувчи Р.А.Сиддиқбеков-нинг қаршилиқ қилишига қарамадан, телефон аппаратлари учун тўлов қилмасдан, очикдан-очик талон-торож қилиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси руҳий касалликлар клиник шифохонасининг 2024 йил 17 декабрдаги 293-сонли



стационар тартибдаги судга оид спихиатрик эксперт комиссияси хулосасида А.Исломов “параноид формасидаги шизофрения, эпизодик кечиши, ривожланиб борувчи нуқсон” билан касалланганлиги, ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ўз ҳаракатларига жавоб бера олмаганлиги, ўзининг ҳозирги руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатма бериш, тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этишга қодир эмаслиги, руҳий ҳолатига кўра умумий типдаги мажбурий даволанишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг 2024 йил 28 декабрдаги қарорига кўра, А.Исломовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддасининг 1-қисми ва 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 18-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 6-бандида “Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят иши жиноят белгилари таркибига кирувчи элемент – субъект йўқлиги туфайли тугатилади”, - деб қайд этилган.

Суд, жабрланувчи Р.Сиддиқбеков, А.Исломовнинг қонуний вакили И.Исраиловнинг кўрсатмаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг А.Исломовга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги фикрларини эшитиб, А.Исломовга юқорида кўрсатиб ўтилган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб ҳисоблаб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган “Redmi -9a” ва “Redmi not 11pro” телефон аппарати жабрланувчи Р.Сиддиқбековга тилхат орқали қайтарилгани инобатга олишни;

жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 3-қисми, 576-577-моддаларига амал қилиб, суд



## А Ж Р И М Қ И Л Д И :

**Исломов Аъзам Исмоил ўғли (ISLOMOV A'ZAM ISMOIL O'G'LI),** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддасининг 1-қисми ва 169-моддасининг 1-қисмида тутилган жиноятларни ақли норасо ҳолатида содир этган деб топилсин ва унга нисбатан бўлган жиноят иши ЖКнинг 67-моддасига асосан жазодан озод этилиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилсин.

Исломов Аъзам Исмоил ўғлига нисбатан Тошкент шаҳар руҳий касалликлари клиник шифохонаси соғлиқни тиклаш махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб “Redmi -9a” ва “Redmi not 11pro” телефон аппарати жабрланувчи Р.Сиддиқбековга тилхат орқали қайтарилгани инобатга олинсин.

Жабрланувчи Р.Сиддиқбековга етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси руҳий-асаб касалликлар шифохонаси диспансери ва Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ бошлиғига юборилсин.

Ажрим устидан ўзига нисбатан суд ажрими чиқарилган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва унинг вакили ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**  
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

**С.Т.Махаметов**

